

---

## Данғара тумани Қўриқлаш бўлими ходимлари томонидан ўқув семинар ташкил этилди.

Данғара тумани Қўриқлаш бўлими ходимлари томонидан Данғара тумани мактабгача ва мактаб таълими бўлимига қарашли умумта'лим мактабларининг идоравий қоровуллик бўлинмалари ишчи-хизматчиларининг хизмат фаолиятига доир билимларини мустаҳкамлаш мақсадида ўқув семинар ташкил этилди.

Семинарда қўриқлаш соҳасига доир қонунчиликдаги янгиликлар, умумтаълим мактабларида қоровувуллик бўлинмаларини хизматни ташкил этишда этиборни қаратиш лозим бўлган жиҳатлар, “Ташвиш-тугма”ларини ишлаш тизими, мактаблар дахлсизлигини таъминлашдаги ички тартиб-қоидалар ҳақида маълумот ва тушунчалар берилди.

---

2024-08-05 08:42:03